

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ  
“УСТОЗ – ШОГИРД” ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДАГИ**

# **НИЗОМИ**

**Тошкент - 2022**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 августдаги 18-2018-сонли қўшма қарорлари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 29 августдаги 781-сонли “Олий таълим муассасалари талабалари орасида илм-фан вакиллари селекциясини кучайтиришга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруғи шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4433-сонли қарорлари ижросини таъминлаш.

“Устоз-шогирд” тизимини ташкил этишдан асосий мақсад бакалавриатура йўналиши бўйича таълим олган ҳар бир талабани, амалий жиҳатдан касбий жараёнларни мукамал ўзлаштириб, ўзи бажара оладиган даражадаги маҳоратга эга бўлиши, ижодий фикрлай олиши, одоб-ахлоқли, маънавий етук, зиёли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Бунда шогирдга ихтисослик йўналиши бўйича касб маҳоратини, касб маданиятини, касб этикасини ва касб тарбиясини шакллантирилади.

## 1. Умумий қоидалар

1.1. “Устоз-шогирд” тизими университет ректори буйруғи асосида ташкил этилган кенгаш бошқаради.

1.2. Ҳар бир талабага 2 та устоз тайинланади, уларнинг биринчиси гуманитар ва умумий фанлар бўйича кафедраларнинг ўқитувчиси, иккинчиси мутахассислик кафедраси профессор - ўқитувчиси бўлиши керак. Устозлар умумий 4 йиллик ва кенгайтирилган ҳар бир шогирд учун шахсий йиллик режалар асосида фаолият кўрсатадилар.

1.3. Устозлар шогирдларни таълим - тарбия сифатиغا шахсан маъсулдирлар.

1.4. “Устоз-шогирд” тизими бўйича профессор-ўқитувчилар фаолиятига баҳо бериш, рағбатлантириш ушбу низом асосида ректор буйруғи билан амалга оширилади.

## 2. Устозларнинг вазифалари

**2.1.** Ҳар бир талабага белгиланган иккала устоз ҳамжихатликда фаолиятларини амалга ошириш учун кенгайтирилган 4 йиллик ва йиллик режаларини тузадилар.

- Бакалаврлик йўналиши бўйича Давлат таълим стандартини, намунавий ва ишчи режаларни, барча фанлар бўйича намунавий ва ишчи дастурларни, календар-тематик режаларни мукамал мазмунан ўзлаштиришлари керак. Бакалаврнинг таълим - тарбияси бўйича қуйидаги умумий малака талабларини таъминлашга маъсулдирлар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётини нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**2.2.** Таълим йўналиши бўйича устозларнинг вазифалари қуйидагича тақсимланади.

### **2.2.1. Гуманитар ва умумий фанлар бўйича устоз вазифалари:**

- бакалаврлик йўналиши бўйича барча меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиши;

- мутахассислик кафедраси бўйича устоз билан ҳамкорликда кенгайтирилган ва жорий режаларни тузиш;

- касбий соҳа бўйича умумий ва гуманитар фанлардан шогирднинг бажарадиган мустақил ишларини белгилаш;

- бакалаврлик йўналиш, мутахассисликлари бўйича Республикада ва дунёда тутган ўрни, ишлаб чиқариш ҳужжатлари, лавозимларга қўйилган талаблар, соҳани ривожланиш перспективаси каби маълумотларни тўплаш, ўрганиш, янгилаб туриш;

- корхоналарга шогирд билан бориши, лавозимларда ишлаш шароитлари,

талабларини ўргатиши;

- шогирдни касбий малака ва кўникмаларини шаклланиши, билим сифатини узлуксиз назорат қилиши ва баҳолаб туриши лозим;

- шогирдни илмий ишларга жалб қилиши фундаментал фанларни йўналиш бўйича боғлиқлик масалаларини аниқлаш, ижодий ишлар олиб бориши.

### **2.2.2. Мутахассислик кафедраси бўйича устоз вазифалари:**

- шогирднинг соҳага қизиқишини, меҳрини ошириши, уни давлат ва дунё миқёсида тутган ўрни, ўзига хос томонларини ўрнатиши керак;

- шогирдни соҳа йўналишига тегишли барча ускуна ва жараёнларни тўлиқ ўрганиб ишлай олишини таъминлаши шарт;

- назарий билимларни амалиётга қўллашга ўргатиши лозим;

- шогирд билан узлуксиз амалий кўникма, касбий маҳоратини ошиб боришини таъминлаши, доимо ўз устида ишлаши, соҳа янгиликларини ўзлаштириши, ишлаб чиқариш унумини ошириш, сифатни яхшилаш бўйича доимо изланишлар олиб боришига ўргатиши мақсадга мувофиқдир;

- илмий ишларига, БМИ, техник ва технологик янгиликларни яратишига, изланишларига раҳбарлик қилиш ҳамда соҳани етук мутахассиси сифатида семинар, конференцияларда иштироқи, изланишлар натижаларини чоп қилишга ёрдам беришлари керак;

- тарихий анъаналаримизга содиқ бўлиши, “эти сизники, суяги бизники” нақлига асосан шогирдни мукамал билимга, касбий маҳорат, амалий малакага эга бўлишини таъминлаши лозим.

### **2.3. Тарбия йўналиши бўйича устозларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- илмий ва умуминсоний кадрятларга хурмат, юксак ахлох-одоб, маънавий етукликни шогирдларда шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзи, адолатни эъзозлаши, амал қилиши, ҳар томонлама ўзини чиниқтириш, ўқув кўникмаларга эга бўлишни талабаларга ўргатиш;

- бакалаврлик соҳа йўналишларига оид ишлаб чиқаришга тегишли тарихни, уни ривожланишига ҳисса қўшган олим ва мутахассисларнинг ҳаёт тарзини, соҳа маданияти, маънавияти ва этикасини шогирдни тўлақонли билишга, хурмат қилишга ўргатиш.

## **3. Ишни ташкил этиш**

**3.1.** “Устоз-шогирд” тизимида устоз фаолиятининг умумий иш режаси мазмуни таълим ва тарбия қисмларидан иборат бўлади.

Таълим йўналиши бўйича иш режасига қуйидагилар киритилиши мақсадга мувофиқдир:

- 1,2 босқичлардаги талаба - шогирд билан бажарадиган ишлар режаси (1-илова);

- 3,4 босқичларда талаба - шогирд билан бажарадиган ишлар режаси (2-илова);

- ҳар бир шогирд учун алоҳида кенгайтирилган фаолият режаси тузилиб махсус

журнал - дафтар тутилади;

- шогирдни ижобий, илмий фаолиятга жалб қилиши, тегишли мақсадли режа асосида иш олиб боради. Иқтидорли шогирдларни илмий ЯМИ, магистрлик ва номзодлик диссертация режаларини тузиб раҳбарлик қилиш режаси.

### **Тарбия йўналиши бўйича:**

- ҳар бир шогирд тарбияни шахс ҳарактеридан чиқиб келган ҳолда амалга ошириши. “Ўрнак” тарбиясига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади;

- ихтисослик йўналиши бўйича маънавий-маърифий ишларнинг қўйилганлиги, соҳа тарихи ва маданияти, соҳа этикаси хусусиятларини ўргатиш бўйича тарбия режасини ишлаб чиқиш.

### **4. Устозларни танлаш ва тайинлаш**

**4.1.** Ҳар бир мутахассислик кафедранинг тўлиқ ставкада ишлайдиган профессор - ўқитувчилар сафидан устозлар танланадилар. Шунингдек университетда бошқа лавозимларда тўлиқ ставкада ва кафедрада 0,5 ставка ишлайдиган профессор - ўқитувчилар ҳам устозликка танланишлари мумкин. Истисно тарзида бошқа ташкилотларда ишлайдиган илмий салоҳияти юқори бўлган, профессор олимлар, кафедра фаолиятига жалб қилиниб иқтидорли, илмий иш билан шуғулланувчи шогирдларга устоз қилиб танланишлари мумкин.

**4.2.** Устозларни танлаш ва тайинлаш факультет деканлари раҳбарлигида мутахассис кафедралар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ҳар бир талабага 2 та устоз, бири умумий кафедра ўқитувчиси, 2 чиси мутахассислик кафедрасидан танланади. Бунда устозларнинг ўзаро чиқишувчанлиги, ҳамоҳанглиги эътиборга олинади.

**4.3.** Устозларга бириктирилган шогирдлар сони талабалар контингентидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Иқтидорли талабаларнинг илмий ишларига (диссертация ишларига) раҳбарлик қилаётган профессор - ўқитувчилар устоз қилиб тайинланадилар.

**4.4.** Устозлар ва уларга бириктирилган шогирдлар факультетлар тавсиялари асосида университетнинг “Устоз-шогирд” кенгашида тасдиқланадилар. Устозларнинг иш фаолиятлари назорати кафедра мудири, факультет декани зиммаларига юклатилади.

### **5. Устозларнинг ҳуқуқлари**

**5.1.** Шогирд фаолиятига тўлиқ раҳбарлик қилиш.

**5.2.** Шогирднинг фаолиятига тегишли барча маълумотларни деканатлардан, ўқув бўлиmidан олиш.

**5.3.** Шогирдни ўқиш ва яшаш шароитини яхшилаш, тегишли

рағбатлантиришларни амалга ошириш бўйича тавсиялар бериш.

**5.4.** Шогирд билан илмий мақолалар, патентлар чоп этиш, конференцияларда катнашиш кабилар.

## **6. Шогирднинг вазифа, маъсулият, мажбурият ва ҳуқуқлари**

**6.1.** Талаба - шогирдларни вазифаси, маъсулият ва мажбуриятлари:

- танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш, етарли даражада назарий билимга, эга бўлиш;
- бакалаврлик йўналиш, мутахассисликлари бўйича Республикада ва дунёда тутган ўрни, ишлаб чиқариш қувватлари, лавозимларга қўйилган талаблар, соҳани ривожланиш перспективаси каби маълумотларни тўплаш, ўрганиш, янгилаб туриш;
- маънавий - ахлоқий тарбиясига маъсулиятини ошириб бориш, баркамол инсон бўлиб етишиш учун ўз турмуш тарзини шахсан назорат қилишга, дўстлари, жамоа билан хушмуомала бўлиб ҳар жиҳатдан ўрнатқан бўлиши;
- ўзлаштириш даражаси, давомати ҳамда ихтисослиги бўйича изланишларни мунтазам кенгайтиришга миллий кадрият ва анъаналарни чуқур ўрганиб, уларни давом эттириш;
- курсдошлари, талабалар ўртасида Ватан туйғусини, миллий кадриятларни тарғиботчиси бўлиб, келажак авлодни тарбиялашга ўзи ва атрофдагиларнинг маънавий имкониятларини шакллантириш;
- шахсий манфаатларни жамият манфаатлари билан уйғунлаштириш;
- Ватан, университет, унинг жамоаси ҳамда устози ва уз шаънини, миллий гуруҳ ва эътиқод рамзларини кўз қорачиғидай асраш;
- мустақил таълимга чуқур эътибор бериб танлаган ихтисослиги ҳамда бошқа фанлар бўйича чуқур билим ва кўникмаларни эгаллаб талабалик давридаёқ ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топиш;
- талабалар турар жойи ва университет ички тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиши ҳамда атрофдагиларни тартибли, интизомли бўлишга ва қонун-қоидаларни ҳурмат қилишга чақириш;
- Ватан, жамият, устоз ва ота - она олдидаги мажбуриятларини тўла -тўқис бажариш.

### **Талаба – шогирдларнинг ҳуқуқлари**

- ўқиш давридаги ўз фаолият режасини устозлар билан биргаликда тузиш;
- илмий лаборатория ускуналаридан фойдаланиш, компьютерда ишлаш, соҳа йўналиши бўйича корхоналарга устоз билан бориш, амалий кўникма ва малакага эга бўлиш ҳамда илмий ишлар билан шуғулланиш;
- устоз ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда шогирд факультет деканига ёзма

ахборот топширади ва ўрганилиб тегишли чора кўрилади;

- ўқув даври мобайнида объектив сабаблари кўрсатилган ҳолларда шогирдга ректор қарори билан устозни қайта танлашга руҳсат берилади;

- университетдаги талаба шахсига ва унинг касбий, маънавий сифатларига оид ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

## **7. «Устоз - шогирд» фаолиятини бошқариш ва баҳолаш.**

**7.1.** “Устоз-шогирд” фаолияти университет ректори буйруғи билан ташкил қилинган кенгаш бошқаради. Устозларнинг фаолиятларини факультетлар бўлинмалари орқали назорат қилинади. Устозларнинг фаолиятларига кафедра мудирлари ва деканлар шахсан маъсулдирлар.

**7.2.** “Устоз-шогирд” тизими бўйича университет кенгаши йиллик режалар асосида иш олиб боради.

**7.3.** Устозлар ҳар бир семестрда камида бир марта кафедра йиғилишида, факультет илмий кенгашида ёки университет кенгашида ўз фаолияти бўйича ҳисобот бериб туради.

**7.4.** “Устоз-шогирд” тизимида устозларнинг таълим ва тарбия ишлари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

- тузилган режаларнинг тўлиқлиги;
- шогирдларни ихтисослик йўналиши бўйича эгаллаган назарий билимлари, айниқса амалий кўникма малакага эга бўлишлиги;
- илмий ишлари сифати, чоп этилган ишлари;
- дарслардаги давомати ва ўзлаштириши;
- одоб-ахлоқи, маънавий етуклиги;
- устознинг “ўрнат” тарбиясига эътиқод қилиши;
- шогирдни соҳа йўналишига қизиқтириши, раҳбарлик хусусиятларини мужассамлиги кабилар.

## **8. Устоз, шогирдларга бериладиган имтиёзлар.**

**8.1.** Намунали фаолият кўрсатиб, шогирдлари юқори натижаларга эришган устозлар ректор буйруғи билан моддий ва маънавий рағбатлантириб турилади. Уларга илмий мақолаларини навбатдан ташқари чоп эттириш, дам олиш масканларига юбориш кабиларда имтиёзлар берилади.

**8.2.** Чуқур назарий билимга, амалий кўникма ва малакага эга бўлган шогирдлар моддий томондан рағбатлантириб туриладилар. Уларга қўшимча “Чет тили”, “Информатика”, “Ўзбекистон тарихи”дан дарслар уюштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, Давлат стипендияларига ҳамда университет

номдор стипендияларига тавсия қилинади.

**8.3.** Ўқув йили натижаларига кўра ҳар бир факультетдан биттадан йилнинг энг яхши “Устоз”и ва “Шогирд”лари унвонлари берилиб йил давомида моддий рағбатлантириб турилади.

### **9. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.**

Ушбу низомга ўзгартиришлар ва қўшимчаларни университетнинг “Устоз-шогирд” тизими кенгаши томонидан амалга оширилади ва ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

## Устозларнинг 1, 2-боскичлардаги талаба - шогирд билан бажарадиган ишлари режаси

№	Фанлар	Давлат таълим стандартлари асосан йўналиш бўйича фанлардан билиш ва қўллай олиши, малака ва тажрибага эга бўлиши талаблари рўйхати	Амалий ишлар, мисол-масалалар, мустақил ишларни йўналиш соҳасига боғлиқлиги	Бажарилиш муддатлари	Қўллаш ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ НАЗОРАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ
1.	Гуманитар ва иқтисодий-ижтимоий фанлар				
1.1.					
1.2.					
1.3.					
2.	Математика ва табиий илмий-фанлар				
2.1.					
2.2.					
3.	Умумқасб фанлари				
3.1.					
3.2.					
3.3.					
3.4.					

## Устозларнинг 3, 4 - босқичлардаги талаба-шогирд билан бажариладиган ишлари режаси

№	Фанлар	<p>Давлат таълим стандартларига асосан йўналиш бўйича амалий кўникма ва малакага эга бўлиш учун мутахассислик фанлари бўйича кўйилган талаблар мазмуни</p>	<p>Ўқув режага асосан фанлардан календар-тематик режа бўйича ўтилган мавзуларни мазмуни ва муддати</p>	<p>Шогирдни соҳа йўналишига тегишли ускуна ва жараёнларни тўлиқ ўрганишга, амалий кўникма ва малакага эга бўлишга мутахассислик фанлардан олаётган билимлари кетма-кетлигида ўргатиш босқичлари ва муддатлари</p>	<p>Шогирдни ҳар бир босқич бўйича амалий кўникма ва малакага эга бўлганлик даражасини баҳолаш кўрсаткичлари</p>	<p>Шогирдни илмий, ижодий, ЯМИ, магистрлик ва номзодлик диссертациялари кўрсаткичлари бўйича босқичлар</p> <p>Илова</p>
1. 1.1. 1.2. 1.3. 1.4.	Ихтисослик фанлари					